

ТИЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИ ФАНИДАН ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК ЯРАТИШ АСОСЛАРИ

**Саодат Мухамедова, ТДПУ Умумий тилшунослик кафедраси мудири,
филол. фан.док-ри**

Турли жараёнларни бошидан кечирган инсоният учинчи минг йилликнинг бошида ахборот асрига қадам қўйди. Минглаб йиллар давомида ривожланган инсон тафаккури учун бугунги кунда дастлабки манба, яни ахборот олиш ҳаётий заруриятга айланди. Шунга кўра жаҳон бозорида ахборот - маълумот олтиндан ҳам қимматроқ баҳоланди. Мазкур ахборотни топиш, сақлаш, қайта ишлаш ва бошқаларга етказишнинг қулай усулларига бўлган эҳтиёж кун сайин ошиб бормоқда. Бу эса XX асрнинг буюк кашфиёти бўлган компьютер ва компьютер технологиялари соҳаси учун катта вазифаларни вужудга келтирди. Компьютер технологиялари фаннинг барча тармоқларига, халқ ҳўжалиги, спорт, санъат, тиббиёт, умуман, ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасига кириб келди. Фан йўналишларини компьютерлаштириш илмнинг асосий шартларидан бўлган объективлик ва аниқликка амал қилиши муносабати билан тез ривожлана бошлади ва у қўлланилган барча соҳаларда ютуқларга эришилди. Хусусан, компьютер беморни текширади, аниқ ташхис қўяди, муолажалар белгилайди, мусиқа ёзади, расм чизади ва ҳ. Бугунги кунда гуманитар соҳалар, хусусан, тил ва компьютер, адабиёт ва компьютер масалаларига жуда катта эътибор берилмоқда. Чунки таъкидланганидек, ахборот асри бўлган ХХИ асрда олтиндан қимматроқ бўлган маълумотни зарар етказмай қабул қилиш, ишончли сақлаш ва энг қулай тарзда бошқаларга етказиб бериш тил билан бевосита боғлиқдир. Шунга кўра компьютер лингвистикаси фани вужудга келди. Мазкур фан XX асрнинг ўрталарида Америкада пайдо бўлган математик лингвистика фани асосларидан келиб чиққан. Математик

лингвистика фанининг асосий мақсади табиий тилларнинг математик моделини ишлаб чиқиш эди. Шунинг учун математик лингвистика ҳал қилиши лозим бўлган вазифалар умумий лингвистиканинг формал ва аксиоматик назарияларини ва аниқ тилларнинг математик моделларини ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Шу тариқа, табиий тиллар грамматикаси формал моделининг тузилиши компьютерда таржима қилиш, тилларга ўргатиш, билимларни электрон тестдан ўтказиш, матнларни таҳрирлаш каби амалий дастурларни ишлаб чиқишга асос бўлган ҳолда компьютер лингвистикасини яратди. Компьютер лингвистикаси фанининг асосий мақсади лингвистик масалаларни ҳал қилишнинг компьютер дастурларини яратишдир. Унинг асосий вазифаларига тилларга ўқитиш, билимларни текшириш, матнларни турли жиҳатдан таҳрирлаш ва машина таржимаси учун мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш кабилар киради.

Компьютер лингвистикаси фани Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90 йилларидан бошлаб оммалаша бошлади. Ўзбек тилининг Давлат тили мақомига эга бўлиши, унинг жаҳон миқёсида обрў-эътиборининг кўтарилиши, ўзбек тилини ўрганишга жаҳон халқлари интилишининг кучайиши компьютер лингвистикаси фанига бўлган эҳтиёжни янада орттирди. Бу фан ўзбек тилидаги барча сўз туркумлари асосида маълумотлар базасини яратиш ва уни жаҳон ахборотлар банкига киритиш имкониятини беради. Ушбу вазифаларни ҳал қилиш назарий ва амалий тилшуносликнинг узвийлигини таъминлаб, назарий тадқиқотлар натижаларини жамият манфаатлари йўлида қўллашга имконият яратади.

Компьютер лингвистикаси фани амалий тилшуносликнинг бир бўлими ҳисобланади. Аммо унинг ўзида ҳам икки йўналиш мавжуд:

1. Компьютер лингвистикасининг назарий йўналишлари: а) табиий тилни қайта ишлаш; б) сюжет структурасини моделлаштириш; в) матнни гипертекст технологияларида бериш.

2. Компьютер лингвистикасининг амалий йўналишлари: 1) автоматик таржима; 2) автоматик таҳрир; 3) тил ўргатиш жараёнини

компьютерлаштириш; 4) статистик тадқиқотлар олиб бориш.

Буларнинг ичида тил ўргатиш жараёнини компьютерлаштириш йўналишига алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, компьютер технологияларининг шиддат билан ривожланиши таълим жараёнини янги босқичга кўтарди, бу ўз ўрнида таълим мазмунини, метод ва шакллари кайта кўриб чиқиш, уни янги билим ҳамда кўникмалар билан янада бойитиш заруриятини туғдирди. Ҳозирги вақтда олий таълим муассасаларида янги педагогик технологияларнинг илмий асосларини яратиш, уларни таснифлаш, методик аҳамиятини белгилаш, таълим жараёнига татбиқ этиш каби долзарб муаммолар устида иш олиб борилмоқда. Илғор педагогик технологияларнинг компьютер технологиялари билан уйғунлаштириб ташкил этилиши ва шу асосда мультимедиа дарсларининг яратилиши асосий йўналишга айланиб қолмоқда.

Мультимедиа ахборотнинг турли кўринишлари – матн, жадвал, графика, овоз, анимация (мультипликация), видеотасвир, мусиқа ёрдамида ахборотни йиғиш, сақлаш ва қайта узатиш вазифаларини бажаради. Мультимедиа «инсон-компьютер» интерактив (диалогик) мулоқотининг янги, такомиллашган поғонаси бўлиб, бунда фойдаланувчи жуда кенг ва ҳар томонлама ахборот олади. Бир қатор олимлар, методистлар тадқиқотлари шуни кўрсатадики, таълим оловчи биринчи марта эшитган мавзусининг фақат тўртдан бир қисмини, кўрган материалнинг учдан бир қисминигина эслаб қолади; ҳам кўриб, ҳам эшитса, ахборотнинг эллик фоизини эса сақлайди. Интерактив мультимедиа технологияларидан фойдаланилганда эса, бу кўрсаткич етмиш беш фоизни ташкил этади. Шу боис таълим жараёнида компьютер технологияларидан унумли фойдаланиш катта аҳамиятга эга. С.Адилованинг “Ўзбек тилини ўқитишда компьютер технологиялардан фойдаланиш” номли монографиясида таъкидланишича, тил ўргатишда қуйидаги компьютер дастурларидан фойдаланиш мумкин: тақдирот технологияси, электрон нусха, электрон мультимедиа дарслиги, электрон энциклопедия, электрон луғат, универсал тест дастури, электрон

виртуал кутубхона, Интернет тармоғи ва б.

Мазкур дастурларнинг ичида энг салмоқли ўринни электрон дарслик эгаллайди. Зеро, унда компьютер технологияларининг барча афзалликларидан фойдаланиш имконияти мавжуд. А.Каримов ва б. ҳаммуаллифлигида яратилган “Узлуксиз таълим учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси”да электрон дарсликка шундай тариф берилади: “Электрон ўқув адабиётлари – замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш айнан компьютер воситасида ўқув курсини ёки унинг битта катта бўлимини ўқитувчи ёрдамида ёки мустақил ўзлаштиришни таъминловчи дастурий-методик комплекс». С.Адилованинг юқорида кўрсатилган монографиясида эса электрон дарсликка қуйидагича таъриф берилиб, унинг 3та таркибий қисми кўрсатилади: “Электрон мультимедиа дарслиги – айнан компьютер воситасида ўқув курсини ёки унинг катта бир бўлимини ўқитувчи ёрдамида ёки мустақил ўзлаштиришни таъминловчи дастурий-методик комплекс. Электрон дарслик одатда уч қисмдан иборат бўлади: мавзунинг мультимедиа воситалари ёрдамидаги баёни; эгалланган билимларни мустақкамлашга қаратилган машқлар; талабалар билимини холисона баҳолашга имкон берувчи тестлар. Шунинг учун ҳам электрон дарсликларнинг иккинчи номи - “ўргатувчи –назорат дастурлари” ҳисобланади”.

ТДПУда тилшунослик асослари фани бўйича электрон дарслик яратиш юзасидан илмий гуруҳ ташкил қилинган. Гуруҳ азолари ўз фаолиятининг дастлабки босқичида бу борада Европа, Россия, Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар билан танишиб чиқишди ва, натижада, Ўзбекистонда тилшуносликка оид фанлардан битта ҳам фандан электрон дарслик яратилмаганлиги маълум бўлди. Шунга кўра гуруҳ азолари томонидан тилшунослик асослари фани бўйича электрон дарслик яратишнинг ўзига хос макети ишлаб чиқилди.

Бу макет қуйидаги структурага эга, яъни электрон дарслик қуйидаги бўлимлардан таркиб топди:

Фанга доир мавзулар рўйхати.

Маъруза матнлари (ҳар бир мавзуга алоҳида файл орқали кирилади).

Амалий машғулотлар ишланмаси (ҳар бир мавзуга алоҳида файл орқали кирилади).

Тилшунос олимлар ҳақида маълумотлар.

Ҳар бир мавзуга доир визуал материаллар (слайдлар, анимациялар, жадваллар ва б.).

Фанга оид атамалар изоҳи (глоссарий).

Билимларни текшириш учун бўлимлар бўйича тест дастури (талаба тестни шу заҳотиёқ ечади ва шу онда тест натижаларини олади).

Ҳозирда электрон дарсликнинг биринчи варианты яратилди, изланишлар давом этмоқда. Шунга кўра Республикамиздаги тилшунос-олимларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини мамнуният билан қабул қиламиз.